O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR DAVLATOBOD TUMAN HOKIMINING

Q A R O R I

Davlatobod t. Islom Karimov ko`chasi

2022 - yil 12 - sentabr 413-6-219-Q/22 Davlatobod tumani hokimligi

Наманган шаҳар Давлатобод туманида ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш нормалари ва тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 12, 30-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-банди ҳамда Наманган вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Наманган шаҳар Давлатобод тумани бўлимининг 2022 йил 19 августдаги 01/22-сонли хатига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Наманган шаҳар Давлатобод туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимининг 2022 йил 19 августдаги 01/22-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Наманган шаҳар Давлатобод туманида ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш тартиби (кейинги ўринларда - Тартиб) 1-иловага мувофиқ;

жисмоний шахслар томонидан ўсимлик дунёси объектларидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун чекланган ҳажмларда бепул фойдаланиш меъёрлари (кейинги ўринларда - Меъёрлар) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Наманган шаҳар Давлатобод туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими (О.Саидов) жисмоний шахслар томонидан ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланишда ушбу қарор билан тасдиқланган Тартиб ва Меъёрларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

4. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига (davlatobod.uz) жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Неъматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**

Davlatobod tuman hokimining
2022 yil 12 sentabrdagi
413-6-219-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Давлатобод туманида ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш

ТАРТИБИ

1. Ушбу Тартиб туман ҳудудида жисмоний шахслар томонидан ёввойи ўсимликларнинг техник, доривор хом-ашёсини, шунингдек, ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари, ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун бепул ғамлаш(йиғиш)даги умумий фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Тартиб ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга тадбиқ этилмайди.

3. Мазкур Тартиб қуйидаги ўсимлик объектларига нисбатан амал қилмайди:

аҳоли уй ва шахсий томорқалари, ҳусусий ер участкалари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритишда мақсадли экилган маданий ўсимликлар, улар мевалари (шу жумладан дарахт ва бута мевалари), тез ўсувчан дарахт ва буталар мевалари;

ёввойи ўсимлик дунёси объектларини питомник ва плантацияларда кўпайтирилган турли ўсимлик ҳиллари.

4. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсулларини атроф табиий ўсиш муҳитидан ажратиб олиш деганда, - ўсимликларни йиғиш, териш, ғамлаш ҳамда ўсиш муҳитидан ажратиб олмасдан ёки фенологик кузатув, фото-видеога олиш, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреатцион ва эстетик завқ олиш тушунилади.

5. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун бепул амалга оширилади.

6. Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмларини, меваларини ҳамда маҳсулларини атроф табиий муҳитдан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш киши бошига бир йилга чекланган миқдорда бепул амалга оширилади.

7. Ўсимлик дунёси объектларидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун умумий фойдаланиш ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг қуйидаги турлари бўйича чекланган ҳажмларда бепул амалга оширилади:

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар техник хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар доривор хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ва тайёрлаш;

ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш.

8. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

ўсимлик дунёси объектларидан ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш борасидаги бузилган ҳуқуқларининг тикланиши ва ўзларига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларига нисбатан мулк ҳуқуқига.

9. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим:

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида белгиланган қоидаларга, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормалари ва нормативларига риоя этиши;

фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланиши;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва такрор кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек бириктирилган ҳудудларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида идоравий ва (ёки) ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириши;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнғин хавфсизлигига риоя этиши ва ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириши,

ёнғинлар чиққан ҳолларда эса уларни ўчириш чораларини кўриши;

ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида киритиши;

карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандаларни, ўсимликлар касалликларини ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимлик дунёси ҳолати устидан мунтазам равишда кузатувлар ўтказиши, улар аниқланганда эса топилган ўчоқларни тугатиш чораларини кўриши;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирларни амалга ошириши;

бошқа ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш.

10. Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсулларини атроф табиий муҳитдан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш миқдори давлат захира ер майдонларида ушбу тартибга мувофиқ ва ўрмон хўжалигидаги давлат органлари ва бошқа идоралар эгалигида бўлган давлат ўрмон фонди ҳудудидаги ўсимлик объектларидан умумий фойдаланиш (фуқаролар истеъмоли ва эҳтиёжи учун) ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда (розилиги билан) амалга оширилади.

11. Қизил китобга ва Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига киритилмаган, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар, уларнинг қисмлари, ҳаётий фаолият маҳсулотларини умумий фойдаланиш учун белгиланган меъёрларга мувофиқ экспорт қилинган ҳолатларда рухсатсиз олиб чиқилади.

12. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни, уларнинг қисмларини олиб кириш учун тўлов ундирилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланиш меъёрларидан ортиқ ва ноқонуний равишда йиғилган, тайёрланган, шунингдек,

соҳага оид қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда унинг ҳудудига олиб кирилган ёки олиб чиқиб кетишга уринилган ҳолдаги ўсимлик дунёси объектлари тартиббузарлардан олиб қўйилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки қўмитанинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ташкилотларига шартномавий нархлар бўйича сотиш учун берилади.

14. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

15. Жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт.

Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Davlatobod tuman hokimining
2022 yil 12 sentabrdagi
413-6-219-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар томонидан ўсимлик дунёси объектларидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун чекланган ҳажмларда бепул фойдаланиш

МЕЪЁРЛАРИ

№	Ўсимлик тури	Ажратиб олиш меъёрлари, (киши бошига)
1.	Зира (уруғи)	10 грамм
2.	Доривор мойчечак (гули)	50 грамм
3.	Зирк (меваси)	10 грамм
4.	Ёввойи қизил дўлана (меваси)	100 грамм
5.	Кийик ўти (барча аъзолари)	25 грамм
6.	Газанда ўт (барча аъзолари)	50 грамм
7.	Осиё ялпизи (танаси ва барги)	25 грамм
8.	Ачамбити (танаси)	50 грамм
9.	Дастарбош (гуллари)	10 грамм
10.	Зубтурум (барги)	25 грамм
11.	Чучукмия (илдизи)	100 грамм
12.	Бўймадарон (гуллари)	25 грамм
13.	Қирқбўғим (танаси)	25 грамм
14.	Наъматак (меваси)	100 грамм
15.	Исириқ (барча аъзолари)	150 грамм
16.	Гулхайри (илдизи)	100 грамм
17.	Далачой (барча аъзолари)	25 грамм
18.	Арпабодиён (меваси)	10 грамм
19.	Марваридгул (гули, барги)	25 грамм
20.	Сув қалампири (танаси)	50 грамм
21.	Тирноқгул (танаси)	25 грамм
22.	Кўка (гули ва барги)	50 грамм
23.	Эрмон (барча аъзолари)	100 грамм
24.	Руян (барча аъзолари)	50 грамм
25.	Сано (барча аъзолари)	25 грамм
26.	Чаканда (барча аъзолари)	100 грамм
27.	Валерияна (барги)	100 грамм
28.	Тоғ райҳони (танаси, барги)	50 грамм
29.	Данакли оққурай (танаси)	100 грамм

30.	Адонис (танаси, барги)	25 грамм
31.	Замбуруғ (танаси)	1 кг
32.	Равоч (барг банди)	300 грамм
33.	Лимон ўт (танаси)	100 грамм
34.	Шўра (барглари, танаси)	200 грамм
35.	Қоқи ўт (танаси, барги)	100 грамм
36.	Мармарак (танаси, барги)	25 грамм
37.	Қарақат (танаси, барги)	25 грамм
38.	Сачратқи (танаси, илдизи)	100 грамм